

**ҲИДОЯТДАН  
ШАҲОДАТГАЧА**

Хидоятдан шаҳодатгача  
(Хужжатли қисса)

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

### Якун арафасида

Ваҳшийларча калтакланган, таёқланган Рашидни тор, зах, қоронғу ШИЗОга олиб бориб улоқтиришди. Унинг аъзойи бадани зиркираб оғрирди. Баданида кўкармаган жойи қолмаган, ўнг қўли синган эди. Шу аҳволида алланечук бир лаззатни туйгандай бўлди. «Рухий лаззатга жисмоний оғриқлар орқали эришилади» - қачонлардир эшитилган шу гап хаёлидан ўтди. Айни пайтда амалим қабул бўлармикан, деган хавотир юрагини ғижимлаб қўйди. Кўнгли бузилиб, кўзига ёш келди. Бутун умри мобайнида ҳеч кузатилмаган аллақандай бир ҳолат билан «Раббим, Ўзинг қабул қил, нуқсонларимни афв эт», деди. Шу пайт тасавурида Парвардигори оламнинг Ўзи унга раҳмат назари билан боқиб, «Қабул қилдим», дегандек бўлди. Рашиддаги рухий лаззат минг, миллион - беқиёс даражада юксалди. Гўё бутун борлиғи, бутун вужуди лаззат ва оромга ғарқ бўлди. Аввал ҳеч қачон бу қадар лаззатни туймаган эди. Саййид Қутбнинг «Қуръон соясида яшамоқ неъматдир. Неъматки, унинг мазасини татиб кўрган одамгина билади», деган гапини эслаб, унга тақлидан «Аллоҳ йўлида озорланмоқ неъматдир. Неъматки, унинг мазасини татиб кўрган одамгина билади», дегиси келди...

## Биринчи босқич

Рашид ўқимишли оилада туғилиб вояга етди. Ака-опалари қатори у ҳам олийгоҳнинг география факултетини имтиёзли тамомлади. Чекига «ойликка яшаб бўлмайдиган» жамиятда яшаш тушгани боис сеvimли ихтисосини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, савдогарлик билан шуғулланди. Эрондан турли хил нарсаларни олиб келиб сотарди. Кийим-кечак, уй анжомлари, озиқ-овқат - хуллас, мавсум ва бозор кўтаришига қараб товар олиб келарди. Муомалалардаги алдовлар, хиёнатлар, божхоналардаги порахўрликлар, автоинспекторларнинг разилона тамаъгирликлари юрагини эзиб, руҳан толиқтирарди. Ишлари анча юришиб, бой-бадавлат бўлиб қолганига қарамасдан, юрагидан ҳеч ғашлик аримасди. Ўша сирли воқеадан кейин унинг мурғак қалбини эгаллаб олган саволлар қаршисида бу ғашлик ҳолва эди.

... Ўшанда у эндигина ўн икки ёшга қадам қўйган болакай эди. Бутун хаёли бир амаллаб коптокка етиб олиш бўлган Рашид машинанинг зарбини ҳатто сезмай қолди. Кўзини очганда атрофидагиларнинг бир ўлимдан қолганини гапиришаётганлари элас-элас қулоғига чалинарди. Бу гаплар билан у кўрган туш орасида қандайдир ҳамоҳанглик бор эди. Оптоқ кийимдаги қандайдир одам уни қаёққадир етаклаб борарди. Шунда у илк бора ўлим деган тушунчага тўқнаш келиб, эти жунжикиб кетганди. Ўшандан буён ўша саволлар асирига айланганди: Мен кимман? Қаердан келдим? Қаерга бораман? Нима қилиб юрибман? Бироз улғайгач, инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини билиш учун кўп китоблар ўқиди. Китобдаги гаплар уни қониктирмасди. Ҳеч нарса изсиз кетмаслиги, ҳар бир иш ўз жавобини олиши муқаррарлиги юрагининг, тафаккурининг, тасаввурининг қайсидир четида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай ётарди. Уни айнан шу изсиз йўқолмаслик, жавобсиз қолмасликнинг шакли-шамойили қизиқтирар эди...

«Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», деб бежиз айгишмаган экан. Гоҳида одамзот ўзи учун энг зарур нарсани бутун дунё бўйлаб кидиради-ю, бурнининг остида турганини кўрмайди. Рашид ҳам шундай бўлди. Эҳ-хе, саволига жавоб излаб, қанча китобларни ўқимади, дейсиз. Не-не файласуфларнинг «изм»лари билан танишмади! Биргина сирли тасодиф рўй бериб, излаган нарсаси ўзи билан бирга эканини кўриб, ҳайратдан қотиб қолди. Ўшанда ҳам унинг қалбини ажиб бир лаззат сийпалаганди. Қизиқ, у авваллари ҳам ўзини мусулмон ҳисобларди. Ҳайит намозларига борарди, жанозаларга чиқарди, қандайдир динийлик тусини олган маросимларда қатнашарди. Шу вақтгача бу ишларнинг моҳияти нималарга бориб тақалишини ўйламаганидан, изламаганидан

хам хайрон бўларди, ҳам уяларди ва ҳам ўзини ўзи койирди.

Бу воқеани тасодиф, деб бўлармикан, уни Аллоҳнинг марҳамати, ҳидояти дейилса, анча тўғрироқ бўларди. Зеро, Парвардигори оламнинг Ўзи:

وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا

– „Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган - курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз“, [29:69]

дейди. Рашид ҳам ҳаракат қилди, изланди...

Бир қарашда кўримсизгина, синчиклаб назар ташланса, кўзида самимият, қатъият акс этиб турган жиккаккина бола бир неча дақиқалик равон нутқи билан Рашидни ўзига ром қилиб олди. Самарқанддан қайтаётган Рашид рулда ухлаб қолмаслик учун ёнига бирон ҳамроҳ олишни лозим топди. Сирли тасодиф, тўғрироғи, Аллоҳнинг марҳамати уни Расул билан учраштирди. Йўлда уни ДАН ходими тўхтатди. Ҳеч қандай қондани бузмаган бўлса ҳам, очкўз инспектор юзсизларча пулини шилди. Рашид алаמידан сўкиниб-сўкиниб рулга ўтирди. Расул:

- Чириган жамиятнинг лайчаси таъбингизни анча хира қилганга ўхшайди. Қўяверинг, бу лайчалардан шундан ортиғини кутиш ўзи ноўрин, - деди.

- Нега ундай деяпсиз? - ажабланиб сўради Рашид.

- Нега ажабланасиз, гапим ёлғонми? Издан чиқмаган биттагина соҳани кўрсатиб беринг, мен гапимни қайтариб олай. Ўзбекистон - бой, деймиз, табиий ресурслари кўп, деймиз, олтин конларига эга, деймиз. Ана шу Ўзбекистондаги оддий ишчинию кўйинг, олий маълумотлининг оладиган маоши йўл кирасию уйининг коммунал хизматларигаям етмайди. Ейиш, кийиш, бола-чақани боқиш каби юмушлар уддасидан чиқа олиш том маънодаги қаҳрамонликка айланиб бўлган. Американинг кетини ўпиш эвазига ҳокимият тепасига ўрнашиб олган анави кўтир мамлакатни зулукдек сўриб ётибди. Қачонлардир дунёни зир титратган ўзбек мусулмон ота-онасининг тайини йўқ бир ҳаромининг чанғалида қолди. У ифлос бутун давлатни остин-устун қилиб юборди. Издан чиқмаган соҳа қолмади. Саводсизлар олимга, билимлилар сотувчига айланди. Юзсизлар посбон бўлиб, ориятлилар узлатга чекинди. Ҳатто ёлғон топилмай қолган пайтда ҳам сукут сақланса сақландики, аммо рост айтилмади. «Жаннатни кўрмоқчи бўлсанг, Ўзбекистон телевидениесини томоша қил, дўзахни кўрмоқчи бўлсанг, Ўзбекистонда яша» деган гапнинг ҳеч қандай муболаға жойи қолмади.

Расулнинг гап оҳангида изтироб билан теранлик уйғунлашиб кетганди. Кам учрайдиган ҳодиса. Изтиробга тушган одам кўпинча

теран мулоҳаза қилолмайди ёки аксинча, теран мулоҳазакор киши кўпам изтиробга берилмайди.

- Ҳолбуки, биз мусулмонмиз, - давом этди у. - Ақлни қаноатлантирадиган, дилга хотиржамлик бағишлайдиган залварли, илдизли мафкурага эга бўла туриб, аллақандай васвасалардан деярли фарқ қилмайдиган мафкура эгаларининг ноғорасига ўйнаётганимиз алам қилар экан кишига.

Рашид ярқ этиб Расулга қаради:

- Қайси мафкурани назарда тутяпсиз?

- Ислом мафкурасини.

- Ислом мафкурасини?!

- Ҳа, дўстим, Ислом мафкурасини. Минг-минг таассуфлар бўлсинким, мусулмонман, деймиз-у, мусулмонлик нималигини билмаймиз. Мана сиз ҳам Ислом мафкураси десам, таажжубланыпсиз. Ҳолбуки, сиз ҳам ўзингизни мусулмон ҳисоблайсиз.

- Албатта, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман.

- Мусулмон бўлсангиз, Ислом нималигини биларсиз?

Рашид каловланди, ўнғайсизланди. Нимадир демоқчи бўлди, аммо уялди. Индамади. Ҳақиқатан ҳам Ислом ҳақида ҳеч нарсани билмасди. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олишга мажбур эди. Нега бу ҳақда аввал ўйламаганига ўзи ҳам ҳайрон эди.

- Билмайсиз, дўстим, билмайсиз. Ҳолбуки, билишимиз керак бўлган энг бирламчи нарса бу. Новвой новвойлигини, дурадгор дурадгорлигини, физик физикани, математик математикани, учувчи учувчиликни билишдан аввал шу нарсани ўрганиши шарт. Ахир қандай қилиб одам ҳаётга нима учун келганини, ким томонидан юборилганини ва алал-оқибат борар жойи қаерлигини билмай туриб яшаши мумкин?

Рашид тўлқинланиб кетди. Кўнгли нимадир сезгандек бўлди. Бир умр кон излаган одам унга яқинлашиб қолганида қай аҳволга тушса, Рашид ҳам шу аҳволда эди. Бу саволлар неча йиллардан буён унинг ҳам тинчини бузаётган эди-ку. Уларга жавоб излаб, не куйларга тушмади. Наҳотки жавобга - маррага яқинлашиб қолган бўлса...

- Мана ҳозир сиз бекордан-бекор Самарқандга бориб келмаётгандирсиз. Самарқандга боришдан бирор мақсадингиз бўлса керак?

- Албатта.

- Ўлимгачи?

- Тушунмадим?

- Қўполроқ савол берган бўлсам, узр. Бироқ, ҳамманинг ҳам умри ўлимга олиб боради. Ҳаёт туғилишдан ўлим сари бориладиган

сафардир. Сафар бўлганда ҳам уларнинг энг эътиборлиси, энг аҳамиятлисидир. Самарқанд сафари бемақсад бўлса, у қадар зарари йўқ. Аммо умр сафарининг бемақсад бўлишидан Худо сақласин! Сиздан шу маънода сўраган эдим. Умр сафарингиздан мақсадингиз нима, демоқчийдим.

Рашид боягидан бадтар каловланди. Бола-чақа ўстириш, уйлаш, жойлаш, илмий иш қилиш, бирон кашфиёт яратиш, демоқчи бўлди, аммо айтолмади. Негаки бу нарсалардан ўзининг ҳам ичи чиқмасди. Ҳаётдан мақсад қандайдир бошқача, сирли нарса бўлиб туюларди унга.

- Нега жим бўлиб қолдингиз? Оғирроқ савол бериб қўйдимми?

- ...

- Наҳотки яшашдан бирон мақсадингиз бўлмаса?! Наҳотки мақсадсиз яшаш мумкин бўлса?! Нима, ҳеч нарсанинг ташвишини қилмасдан, шунчаки кун ўтказаверасизми?

- Йўқ, унчалик эмас. Бола-чақа, рўзғор, тирикчилик дегандек ташвишлар ҳамма қатори бизда ҳам бор.

- Хафа бўлманг-у, бу каби ташвишлар, тўғрироғи, юмушлар ҳайвонда ҳам, паррандада ҳам бор. Тўғри, инсоннинг уларни бажариши ҳайвонниқидан шаклда фарқ қилади. Наҳотки шаклнинг ўзи ҳайвондан ажралишга кифоя қилади, деб ўйласангиз?

Бу хусусда Рашид аввал ҳам ўйлаганди. Фақат шаклда ҳайвондан фарқланиш ақлига сиғмасди. Бу ерда мен билмаган нимадир бўлиши керак, деб кўп бош қотирганди.

- Ўзингизчи? Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

- Менми? Мен инсонман, ақлли мавжудотман. Ҳайвондан - ақлсиз мавжудотдан фақат шаклда фарқланишим мумкинмас, деб ўйлайман. Мен мусулмонман. Борликни Худо яратганига ишонаман. Мени ҳам ўша Худо яратган. Энг катта бобомни яратиб, уни жаннатга киритган. Бобом яратилишидан аввал фаришталар мажбурий тарзда Аллоҳнинг итоатида бўлганлар. Кейин Аллоҳ Ўзига мажбурий тарзда эмас, ихтиёрий тарзда итоат қиладиган мавжудотни яратмоқчи бўлган. Ихтиёрий итоат мажбурий итоатдан устунлиги боис фаришталарни Одамга сажда қилдирган. Фақат шайтон бундан бош тортиб, лаънатга учраган ва минбаъд одамга душман бўлишга қасам ичган. Ихтиёрийлик буйруқ ва тақиқларда намоён бўлиши ўзингизга маълум. Худойим энг катта бобомни бир буйруқ - тақиқ орқали синаган. Шайтон бобомни йўлдан оздириб, жаннатдан қувилишига сабаб бўлган. Аммо Парвардигори олам бобомнинг авлодларини ўз ҳолига ташлаб қўймаган. Уларга пайғамбарлар орқали дунёю охират саодатига элтгувчи йўлни кўрсатиб турган. Уларнинг охиргиси менинг Пайғамбарим Муҳаммад

с.а.в. бўлган. Хуллас, менинг йўлим аниқ. Яратувчимнинг Пайғамбарим орқали кўрсатган йўлидан бориб, бобомнинг илк яшаган жойига қайтмоқ.

Рашид тўла бўлмаса ҳам ўзига керакли нималарнидир анлагандек бўлди. Расулнинг йўли нима эканини жуда билгиси келди.

- Ўша йўлингизни менга ҳам ўргатмайсизми?

Бу гапни эшитган Расул хазина топиб олган одамдек қувониб кетди. Бу қувнашнинг сабабини Рашид кейинроқ «Сен туфайли Аллоҳнинг бир одамини хидоятга бошлаши дунёю ундаги нарсалардан яхшироқдир», деган ҳадиснинг мағзини чакқан пайтда англади.

Йўл-йўлакай Рашид Расулга ўзини қизиқтирган саволларни бериб борди. Расулнинг жавоблари кутганидан ҳам зиёда бўлди. Сухбат шу қадар қизгин тус олдики, Тошкентга кириб келиб қолишганини иккаласи ҳам сезмай қолишди. Бир неча соатгина олдин танишган бу икки инсон юз йиллик қадрдонлардек хайрлашдилар. Хайрлашиш жуда оғир кечди. Бир-бирларидан сира ажралгилари келмасди.

Шу-шу Рашид билан Расул ажралмас дўстга айландилар. Бир-бирларини бир кун кўрмасалар тутолмасдилар. Расулнинг гапларини Рашид соатлаб тингларди, эшитишдан тўймасди. Расул ҳам бошқаларга йиллар давомида ўргатадиган билимларини Рашидга бир неча ҳафталар ичида ўргатганидан ич-ичидан хурсанд эди.

Яратувчининг борлиги, бирлиги, чексизлиги, чекли нарсаларнинг Яратувчи бўлмаслиги, Пайғамбарнинг ҳақлиги, Қуръоннинг арабларнинг, Муҳаммаднинг ёки Аллоҳнинг каломидан бошқа нарса бўлиши мангикан мумкинмаслиги, қатъий, аниқ далиллар орқали Муҳаммаднинг ҳам, арабларнинг ҳам эмас, Аллоҳнинг каломи бўлиб чиқиши - борингки, Расулнинг ҳар бир дарси унинг ақлини боқиб, семиртираётгандек бўлиб туюларди.



## Иккинчи босқич

Рашид иймон ҳаловатини топди. Дунёнинг ҳар қанча неъматининг қаршисида ҳеч нарса эканини дил-дилидан ҳис қиларди. Бепоеън саҳрога нисбатан игнанинг учидек жой қанча бўлса, ўшанчалик ҳам бўлмаган абадият қаршисидаги инсон умри нақадар қисқалигини ўйлаб, ҳайратланарди. Айни пайтда шу лаҳзалик умр инсон учун нақадар қимматлигини, унинг ўтган бир лаҳзасини қайтариш учун бутун дунё бойлиги ҳам етмаслигини тушунди. Шундай бўлгач, уни фақат бир нарсага, биргина мақсадга сарфлаш лозимлигини англаб етди. Абадият билан туташин! Ўзингнинг, қилган амалларингнинг изсиз йўқолмаслиги! Нақадар роҳат! Нақадар лаззат! Нақадар ором! Абадийликдан узилиш! Нақадар кулфат! Нақадар машаққат! Нақадар изтироб! Абадийлик билан туташин инсонни қанчалар юксалтирса, ундан узилиш шунчалар тубанлаштиради. «Қуръон соясида яшар эканман, гўё бир баландликка туриб олиб, ер юзида вижирлаб ётган динсизликка, динсизларнинг арзимас, бир чақага қиммат қизиқишларига назар ташлардим. Катта одам гўдакларнинг ўйинчоқларию кўғирчоқларига бераётган эътиборларини кузатиб турганидек, уларнинг гўдакона билимлари, гўдакона тасаввурлари, гўдакона ташвишлари билан гердайиб юришганини кўриб турардим...». Саййид Қутбнинг бу сатрларини Расул жўшиб ўқиб бераётганида Рашид ўтмишидан уялиб кетганди...

Бир куни у дўстидан сўради:

- Расул, бунча нарсани қаёқдан ўргангансан?

- Ҳали бу ҳақда кўп гаплашамиз.

- Шунча нарсани биларкансан, менга ўргатдинг. Атрофимиздагилар-чи? Яқинларимиз-чи? Умуман, одамлар-чи? Наҳотки улар дунёдан шундай нарсалар борлигидан беҳабар ўтиб кетишса?! Ёки бу нарсаларни ҳамма билган-у, бигта мен беҳабар қолганманми?

Расул дўстининг соддадиллигидан завқланиб кулди. Кейин:

- Айтдим-ку сенга, ҳали бу ҳақда кўп гаплашамиз, деб. Ҳали сенга кўп нарсаларни айтишим керак, - деди.

- Ҳозир айт.

Расул дўстига ҳамма нарсани айтиш фурсати келганини англади. Гапни куфр билан Ислом орасидаги кураш то қиёмат кунигача давом этишидан бошлаб, ҳозирги кундаги «Ҳизбут Таҳрир» жамоасининг фаолияти билан якунлади. Ҳизб ҳақида атрофлича маълумот берди. Кейин унга аъзо бўлишга таклиф қилди...

Рашид қасамёд қилаётганда ҳаяжон ва масъулият ҳиссидан батамом ўзини йўқотиб қўйганди. Гўё унинг оғзидан тоғдан-да оғирроқ сўзлар чиқаётганди. Ҳатто Дилором билан илк бора учрашганида ҳам бу қадар ҳаяжонланмаган эди. Расул уни табриклагани ёнига келганида терга ғарқ бўлганди...

### Учинчи босқич

Рашид гўё онадан қайта туғилгандек бўлди. Дунёга бошқача кўз билан қарай бошлади. Назарида ҳаёти энди мазмун касб қилгандек эди. Бутун умри мобайнида излаганини топиб, дили яйради. Айни пайтда уни асраб-авайлай билиш хавотирлари ҳам йўқ эмасди.

Рашид учун янги ҳаёт бошланди. Унинг бутун диққат-эътибори даъватга қаратилди. Ўзининг устида беаёв ишлади. Илми билан ҳам, амали билан ҳам том маънодаги даъватчи бўлишга интилди. Набаҳонийнинг: «Бу даъватни ёювчилар агар дилларига камолотга интилиш уруғини экмасалар, доимо ҳақиқатни изламасалар, ёпишиб қолган бегона тушунчалардан тозалаш учун билган нарсаларининг ҳар бирини доимо текшириб турмасалар, олиб чиқаётган фикрлар соф ва тиниқ сақланиб қолиши учун яқин турса унга илашиб олиши эҳтимоли бўлган ҳар қандай фикрни ундан йироқлаштирмасалар масъулиятнинг уддасидан чиқа олмайдилар, олдиларига қўйилган вазифани бажара олмайдилар»,<sup>1</sup> деган гапидан қаттиқ таъсирланиб, етук шахс бўлиш учун кўп тер тўкди. Тингловчилар сўзидан таъсирланиб, ҳидоят топсалар, Яратганга ҳамду санолар айтар, шукрона намозини ўқир эди. Гапининг таъсири бўлмай қолган пайтда эса иллатни ўзидан кидирар, нафл намозлар ўқиб, истиффорни кучайтирарди.

«Ҳар тўқисда бир айб», деб тўғри айтишган экан. Ота-онаси ҳам, Дилором ҳам унинг қувончига шерик бўлишмади. Аввалига бепарво бўлишди. Золимлар томонидан тазйиқлар, турли миш-мишлар кучайгач, йўлингдан қайтасан, деб туриб олишди. Ҳатто отаси, қайтмасанг, оқ қиламан, дейишгача борди. Ушанда отасига:

- Ада, биламан, сиз менга меҳрибонсиз. Мени яхши кўрасиз. Баданимга зирапча киришини ҳам хоҳламайсиз. Фақат, нега мени тушунолмаяпсиз, хайронман? Менинг энг бебаҳо бойлигим бу - умрим. Уни энг керакли ишга сарфлашни хоҳлайман. Аллақандай майда-чуйда, арзимас нарсаларга исроф қилиб юборишдан чўчийман. Тўғри, ота-она ҳам, оила ҳам керак. Сизларни ҳизбийлар ота-онасини ўйламайди, дейдиганлардан кўра юз баробар, минг баробар кўпроқ ўйлашимни жуда яхши биласиз. Сизларни ўйлашим, сизларга бўлган муҳаббатим тутган йўлимга бўлган ишончимни кучайтирса кучайтиряпмики, асло сусайтираётгани йўқ. Ахир, сиз ҳам Худога ишонасиз-ку! Жон ада, Худонинг йўлини топгандан кейин ҳам шайтоннинг йўлидан қайтмаслик мумкинми? Шайтоннинг узлуксиз хужумига қарши қўл қовуштириб ўтиришимиз жоизми? О, адажон, менинг шу йўлни танлаганимдан ачинишингиз эмас, фахрланишингизни қанчалар истаётганимни билсангиз эди. Гарчи елкадош бўлиб ёнимда турмасангиз ҳам, ҳеч

---

<sup>1</sup> (Ўқислом низоми □ 66-бет)

бўлмаса йўлимни тўсмасангиз яхши бўларди. Нахотки Парвардигорнинг қошига шаҳиднинг отаси бўлиб боришни хоҳламасангиз? Ахир сиз ҳам мусулмонсиз-ку! - деб йиғидан ўзини тўхтатолмади. Отасининг ҳам ёноқларида ёш томчиларини кўрди. Шундан кейин отаси унга ҳеч нарса демади. Хайрихоҳ ҳам бўлмади, ғов ҳам. Фақат унинг соғлиги, кайфияти хусусида орқаваротдан тез-тез суриштириб турадиган одат чиқарди. Хотинига, Рашидга ошиқча гап гапирма, ўзининг юки ҳам етарли, биз ҳам ортиқча юк бўлмайлик, деган экан. Буни Рашид анча вақт ўтгач, қамалганидан кейин билди. Дилоромнинг ҳам чакаги анча ёпилиб қолганининг сабабини ўшанда тушунганди.

Ихтиёрий итоат синовларда, балоларда тобланади. Рашиднинг ҳам ўз йўлида барқарорлигини аниқлаб берувчи синовлар, балолар бирин-кетин кела бошлади. Уни давлатга қарши фитна уюштириш жиноятида айблаб, кўлга олишди. МХХ ва ИИВ ходимларининг муомалалари, ўзларини тутишлари, оғизларидан чиқаётган гапларини кўриб, динсизликнинг ваҳшийликдан ҳам бадтарроқлигига яна бир қарра амин бўлди. Уни одам боласининг хаёлига ҳам келмайдиган қийноқларга солишди. Золимлар оёқ остига дубинка билан уриш, тирноқ остига бигиз тикиш каби ишларни севимли касблари билан шуғулланаётгандек бажарардилар. Оддий уколдан ҳам сесканадиган Рашид бунча азобларга чидаётганига ўзи ҳам хайрон эди. Маънавий қувват етишмай қолган жойда жисмоний қувватга эҳтиёж сезилади, деган гапнинг воқеини ўша ерда кўрди. Ваҳшийларни энг кўп қутуртирган нарса Рашиднинг гапига яраша гап топиб беролмаётганлари бўлди. Бир тезкор ходим:

- Бу йўлларга кириб нима қилардинг? Мана энди жувонмарг бўлиб кетасан, ёш умринг хазон бўлади, - деганида Рашид шундай жавоб берганди:

- Биласизми, одамлар тўрт тоифа бўладилар. Биринчиси - биладилар ва билишларини ҳам биладилар. Энг тўғри йўлни топган кишилар мана шулардир. Иккинчиси - биладилар, лекин билишларини билмайдилар. Улар ухлаётганлар, уларни уйғотиш керак. Учунчиси - билмайдилар ва билмасликларини биладилар. Уларга ўргатиш керак. Тўртинчиси эса билмайдилар, билмасликларини ҳам билмайдилар. Худо урган энг расволар - мана шулар. Улар ҳақида Аллоҳ Таоло шундай дейди:

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا ﴿١٣﴾ الَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا ﴿١٤﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ وَلِقَائِهِ فَحَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فَلَا تُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَزْنًا ﴿١٥﴾

– „(Эй, Муҳаммад), айтинг: «Сизларга қилган иш-амалларидан энг кўп зиён кўргувчи кимсаларнинг хабарини берайликми?! Улар (кофир

*бўлганлари сабабли) қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетгану, аммо (нодонликлари сабабли) ўзларини чиройли-яхши амал қилаётган кишилар, деб ҳисоблайдиган кимсалардир!» Улар Парвардигорларининг оятларини ва У зотга рўбарў бўлишни инкор қилишиб, бутун иш-амаллари беҳуда кетган кимсалардир. Бас, Биз Қиёмат кунда улар (қилиб ўтган амаллар) учун ҳеч қандай қадр-қиймат бермасмиз!“ [18:103-105]*

Сиз ана шу тўртинчи тоифадансиз. Мен эса ўзимнинг биринчи тоифадан эканимга заррача ҳам шубҳа қилмайман. Сиз абадият ховлиси бўлмиш у дунё у ёқда турсин, бир лаҳзалик, ўткинчи - мана шу дунёнинг ўзида ҳам мағлубсиз. Мен бутун борлиқни яратган, менга ҳаёт бахш этган Раббим учун жон беришга тайёр турган бўлсам, сиз инсонлик шаънингизни булғаб, инсондан қанчалар паст, тубан шайтоннинг олатини алаяпсиз.

Тезкор ходим кутургандан-кутуриб кетди. Қўл билан ҳам, дубинка билан ҳам Рашиднинг дуч келган жойига бор кучи билан урарди. Ёлғиз ўзи таъсир қилолмаслигини билгач, шерикларини чақириб келиб, биргаликда дўппосладилар. Рашид ҳушидан кетди. Уни камерасига олиб бориб улоқтирдилар. Рашид ажиб, ширин бир туш кўрди. Қандайдир оппоқ кийимли нуроний кишилар уни нима биландир муборақбод этишарди. Улардан бири ёнига келиб: «Маррага оз қолди, бўтам, яна бироз сабр қил» деб, бошини силаб қўйди...

Рашидга бир оғиз гапириш имконини бериб қўйганидан тезкор ходимнинг ичини ит таталарди. Гапиришни бошлагани захоти, сенга ким қўйибди гапиришни, деб қарсиллатиб уриб юбормайманми, деб ўйларди у. Хотинининг эндигина ўн беш ёшни қаршилаган кизи қора дорига ружу қўйганидан эзилиб, зорланаётгани ҳам унинг қулоғига кирмади. Негаки унинг мияси тўртинчи тоифадагилар учун энг муҳим бўлган иш билан - Рашидга гапириш имкониятини бериб қўйганидан афсусланиш ва бу хатони тез тузатиб, қандай қилиб бўлмасин, у «одобсиз»ни тавбасига таянгириш каби ўйлар билан банд эди. Қандайдир ишни режалаштириб, бир ҳамтовоғини кафега таклиф қилди. Ҳамтовоғи келди. Бўкиб ичишди. Тезкор ходим Рашид билан бўлган воқеани гапириб:

- У аблахни тавбасига таянтирмасам, отимни бошқа қўяман, - деди.
- Бу иш қўлингдан келмайди.
- Нега энди келмас экан?
- Чунки у ҳақ.
- Ҳақ, деганинг нимаси?
- Ҳақ, деганим ҳақиқатда ҳам сен билан мен тўртинчи тоифаданмиз.

Унга калтак таъсир қилмайди. Чунки у жонини Худога тиккан. Худо ҳеч қачон алдамайди. Биз эса шайтонга хизмат қиляпмиз. Шайтон ҳар доим

алдайди. У бир дўстини айтмаслик учун жонини беришга ҳам тайёр. Сен эса юлдузингни яна биттага кўпайтириш учун ҳатто мени ҳам сотиб юборишинг мумкин. Хуллас, дўстим, мен тўйдим. Ишдан кетаман. Бегуноҳларга бераётган озорларимнинг касофати бола-чақамга уришидан хавотирдаман.

- Тўхта, тўхта, сенга нима бўлди, алахсираяпсанми?

- Қанийди, ухлаётган, алахсираётган бўлсам. Қанийди, бегуноҳларга озор берганларим тушим бўлиб чиқса. Қанийди.

- Сени тушунолмаяпман.

- Тушунолмайсан ҳам. Чунки сен ўша тўртинчи тоифадансан. Мен эса тўртинчи тоифа бўлиб яшашдан тўйдим. Инсондек яшамоқчиман.

- Ўйлаб гапир, бу гапларинг учун қамаласан.

- Тўпша-тўғри, қамаламан. Биринчи бўлиб сен қамайсан.

- Сени нима жин урди?

- Мени эмас, сени жин урган. Бир бегуноҳни азоблаш режасини тузиб, мени чақиргандан кўра, оилангнинг, қизингнинг келажаги хусусида бош қотирсанг яхши бўларди. Бир ўйлагин. Сен урдинг, тепдинг, азобладинг ва шу билан ўзингча ундан устун келдинг. Лекин озодликда, бола-чақанг олдида, кафеларда юриб ҳам эзиласан, тирналасан. У эса қоронғу, зах камерада аъзойи бадани қақшаб туриб ҳам енгил нафас олади, ҳатто ўзида йўқ хурсанд ҳам бўлса керак.

- У фанат-да. Фанатлар ўзи шунақа бўлишади.

- У ҳолда нега унинг гапларидан бунчалар таъсирланасан, чаён чакқандек тўлганасан. Нега, мен сенга ўхшаган фанат эмасман, деб қўя қолмадинг? Аламингдан уни роса дўппосладинг, камига бизларни ҳам чақирдинг. Йўқ, дўстим, сенинг хатоинг Рашидга гапириш имконини бериб қўйганингда эмас, аксинча, унинг гапларини мулоҳаза қилиб кўрмаганингда. Хатони тузатишдан олдин уни англаб олиш керак.

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин экан. Ҳатто тўртинчи тоифадагилар ҳам гоҳида ўзларига нисбатан танқидий муносабатда бўла оларканлар. Аллоҳнинг қудрати чексиз экан...

Рашиднинг иши судга оширилди. У ўзининг тақдири, яъни қанча муддатга қамалиши аллақачон ҳал қилиб қўйилгани, суд эса шунчаки бир сахна кўриниши эканини биларди. Шундай экан, кофирлар борадиган дўзахларига ўтинларини кўпайтиргани каби, у ҳам борар жаннатини безаш учун бу тайёр минбардан фойдаланиб қолиш пайида бўлди. Судя ё тезкор ходим каби ичидан зил кетса ҳам сиртига чиқармади, ё афтидан бундай гапларни эшитавериб, бети қотиб қолган шекилли, таъсирланмади ёки ўз хаёли билан банд бўлиб (масалан, тушликни қаерда қилишни ўйлаб), умуман кулоқ солмай қўя қолди. Рашид ўз нутқини: «Мен Исломни нур, куфрни зулмат деб, Исломни маърифат, куфрни жаҳолат

деб, Исломни олижаноблик, куфрни худбинлик деб, Исломни адолат, куфрни зулм деб биламан. Модомики нур зулматдан, маърифат жаҳолатдан, олижаноблик худбинликдан, адолат зулмдан ғолиб бўлмас экан, то жон таслим қилгунимга қадар курашда давом этавераман», - деган гаплар билан якунлаган эди...

ИИВнинг подвалида ҳам, Тоштурмада ҳам, зонага келиб ҳам Рашид Дилоромдан кўп ташвиш чекди. Фарзандларининг шундай она кўлида қолиб кетганидан қаттиқ хавотирланди. Илк висол оқшомида у Дилоромга бир отанинг фарзандларига, мен сизларга туғилганинглардан кейин ҳам, туғилмасинглардан аввал ҳам яхшилик қилганман дегани, фарзандларининг туғилганимиздан кейин яхшилик қилганингиз кундек равшан, аммо туғилмасимиздан олдин қандай яхшилик қилгансиз, деган саволларига жавобан, мен сизларга яхши она танлаганман, дегани ҳақидаги ривоятни айтиб бериб, мен ҳам бир кун фарзандларимга шундай дейишни орзу қиламан, деганди. Дилором эса, орзуингизга етишингиз учун кўлимдан келганича ҳаракат қиламан, камчиликларимни ўзингиз тўғрилаб турасиз, деб жавоб берганди. Дилоромдаги дид, фаросат ва назокат Рашидни тобора унга мафгун қилиб борарди. Уртадаги фарзандлар - бир ўғил ва бир қиз риштани яна ҳам мустаҳкамлаганди. Бироқ, ана шундай фаросатли ва назокатли Дилоромининг оғзидан: «Имомлар ҳам, дин пешволари ҳам сиз танлаган йўлни нотўғри дейишяпти-ку. Исломни жуда билсангиз, ўшаларчалик биларсиз-да», деган гаплар чиқди. Қарашлари бир-бирига тўғри келмайдиган ота-она бағрида ўсиш фарзандлар учун нечоғли оғир эканини бошидан ўтказмаган бўлса ҳам, тахминан ҳис қиларди. Фарзандларини ўйлаб кўзига ёш келди. Айниқса Мўмин аканинг онаси ва аёлига ёзган хатини ўқиганидан кейин ўзини кўярга жой тополмай қолди...

Мўмин ака зонада 159лардан<sup>2</sup> бўлишига қарамай ҳеч кимга қўшилмас, одамови бўлиб юрарди. Бирозгина назар ташланса, ичи тўла дардлиги билинарди. Бир куни нимагадир Рашид шу одамнинг кўнглини кўтаргиси келиб қолди. Олдига бориб:

- Биродар, кўп қуюнаверманг, ҳаммаси ўтиб кетади, - деди.

- Иложи бўлса, мендан нарироқ юринг, мен қазёлман<sup>3</sup>, ҳамма нарсани айтиб қўяман, - томдан тараша тушгандек, Мўмин аканинг жавоби шу бўлди. Рашид савқи табиий билан «айтиб қўяман» иборасини тез фаҳмлаб:

- Биродар, айтиб қўйиш қазёллик эмас, етказиб туриш қазёллик, - деди. Мўмин ака худди ўзи айтган гапни ўзи тушунмагану, унга Рашид

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси билан қамалганлар.

<sup>3</sup> Қозёл - қажимчи, маҳкумларнинг ишларидан муассаса раҳбариятини яширин тарзда хабардор қилиб турувчи.

тушунтириб бергандек анкайиб қолди. Унга нисбатан ичида бир илиқлик пайдо бўлди.

- Тўғри ифодалолмаган бўлишим мумкин, лекин... - Мўмин аканинг гапи оғзида қолди.

- Тўппа-тўғри ифодадингиз, мен ҳам тўппа-тўғри тушундим, - шарт кесди Рашид.

- Ажойиб бола экансиз.

- Ҳа, жудаям ажойибман. Мўмин ака, эштигишимча, сиз билимли одам экансиз?

- Ҳар қалай уч-тўртта китоб ўқиганман.

- Илмингиздан бизни ҳам бахраманд қилиб туринг. Бу сизнинг бурчингиз.

- Тўғри-ку, лекин мен кўрқокман. Тўғрисини айтиб қўяман.

- Иккаламизнинг ўртамизда сир бўлса-чи?

- Ўшанда ҳам.

- Майли, унда айтиб қўйсангиз ҳам менга зиёнингиз тегмайдиган гаплардан гаплашсак бўлаверадими?

- Бўлаверади.

- Нега ҳеч кимга аралашмайсиз, ёлғиз юрасиз?

- Айтдим-ку кўрқокман, деб. Жуда кўп мусулмонларга зиёним тегди, яна тегишидан кўрқаман.

- Тегдирмасликка ҳаракат қилинг бўлмаса.

- Айтишга осон. Унинг учун мен ўзимга ишонишим керак. Ўзимга ўзим жавоб бера олишим керак. Мен эса ундай эмасман. Азобга чидолмадим, кўрқдим, кейин нимани билсам, ҳаммасини айтдим. Бундан кейин ҳам яна айтиб туришга рози бўлдим.

- Нега рози бўлдингиз?

- Айтгман-ку сизга кўрқокман, деб.

- Йўқ, сиз кўрқок эмассиз.

- ...

- Нега унда казёлман, дейсиз. Индамасангиз ҳам бўлаверади-ку.

- Индамасам, кейин менга ишонишиб, сирларини айтиб қўйишса, мен бориб уларга айтсам, охиратим куйиб кетади-ку.

- Ана кўрдингизми, сиз улардан эмас, охиратдан кўрқасиз, Худодан кўрқасиз. Ҳозирги ахволингиз ўткинчи ҳолат. Ҳали қараб турасиз, бир кун келиб, довиорақликда анча-мунча кўрқмасларни доғда қолдириб кетасиз.

- Илоҳим, айтганингиз келсин.

- Худо хоҳласа, шундай бўлади. Шундай бўлишини сўраб, Раббимга дуо қиламан. Сиз ҳам дуоларингизда мени ёдга олиб туринг.



Мўмин ака худди гўдакдек юм-юм йиғларди. Шу-шу иккаласи тез-тез кўришиб гаплашадиган бўлиб қолишди.

Бир куни имомлар ҳақида гап кетганида Рашид:

- Мен имомларни ёмон кўраман, - деди.

- Ундай деманг, улар ҳам мусулмон биродарларингиз.

- Биродарларим?!

- Ҳа, биродарларингиз.

- Ундай бўлса, нега бизга қарши гаплар гапиришади? Бизни адашган, хатто кофир дейишади? Ўшаларнинг гаплари билан ота-оналаримиз, аёлларимиз йўлимизга ғов бўлишяпти-ку!

- Ҳа, энди, сизнинг йўлингизни нотўғри деб топишган бўлишлари ҳам мумкин-ку. Ўтмишда ҳам бир мужтаҳиднинг ҳалол деганини иккинчиси ҳаром деган, мубоҳ деганини фарз деган. Бундай ихтилофларнинг бўлиб туриши табиий.

- Демак кофир, дейишлари ҳам табиий экан-да?!

- Йўқ, йўқ, униси эмас. Униси хато. Мудҳиш хато.

- Бировни кофир деганининг ўзи кофир бўлади, шундайми?!

- Шундайку-я, лекин... Нима бўлганда ҳам улар ҳам намоз ўқишади, рўза тутишади, Аллоҳга ишонишади. Шуларини эътиборга олиб, уларнинг тухматларини гуноҳи кабира ҳисоблаб, уларга инсоф тилаб дуо қилсак, тўғрироқ бўлса керак, валлоҳу аълам.

- Мени кечирасиз-у, Мўмин ака, хатто улар «Ҳизбут Таҳрир» ижтиҳодини нотўғри деб топган тақдирда ҳам бу фикрларини ичкарида - мусулмонлар ўртасида айгишлари лозим эди. Кофирларнинг телевидениеси, кофирларнинг матбуоти, кофирларнинг минбаридан туриб айгишларини, айниқса шу гаплари билан жон сақлашларини, мансабга эга бўлишларини ҳечам ҳазм қилолмайман. Уларни кофир дейишга тилим бормайди-ю, лекин Худо учун ёмон кўришим аниқ.

Рашид гапини тамомламасдан отбой<sup>4</sup> эълон қилиниб, ўз туркумига<sup>5</sup> боришга мажбур бўлди. Ётаётиб, кескин гапириб юбормадимми, деб ўйлади. Эртаси куни Мўмин ака билан қуюқ сўрашиб:

- Кеча оғирроқ гапириб қўймадимми? - деди.

- Йўқ, йўқ, аксинча, жуда тўғри гапирдингиз. Анчагача уйқум қочиб, фикрларингиз хусусида ўйлаб ётдим. Охири сиз ҳақсиз, деган хулосага келдим. Ҳақиқатда ҳам мусулмонлар ўзаро гаплашишлари керак бўлган гапларнинг куфр минбаридан гапирилиши шармандалик. Фақат, гап шундаки, улар гапирётган минбарларини куфрники деб билмайдилар.

- Бўлиши мумкин эмас. Ахир бу нарса ойдек кўриниб турибди-ку. Хатто намоз, рўза, ҳижоб тақиқланияпти-ку. Куфрнинг бундан ортиқ яна

---

<sup>4</sup> Ухлашга ётиш.

<sup>5</sup> Муассаса бир неча туркумларга бўлиниб, ҳар бир маҳкум ўз туркумида тунаши шарт.

қанақа нишонаси бўлиши мумкин? Айрим диний ишларга рухсат этилаётгани олижанобликнинг эмас, сиёсий тангликнинг махсули экани кундек аён-ку.

- Сиз ҳақсиз. Куфр мусулмонни мусулмон қўли билан маҳв этмоқчи бўляпти. Исломий гуруҳлар ўртасида низолар чиқариш учун бор имкониятини ишга соляпти. Айрим ён беришлар шу йўлдаги маккорликнинг бир кўринишидан бошқа нарса эмас. Ишонувчанлик мусулмонга хос хислат. Бундан куфр унумли фойдаланмоқчи бўляпти. О, Раббим, бизларни кофирлар қўлидаги қўғирчоққа айлангириб қўймагин! Бирок, Аллоҳнинг макри устунроқ. Оқибат мўминларники бўлиши мукаррар...

Бора-бора Рашид билан Мўмин ака бир-бирини кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолдилар. Яқинлик шу даражага етдики, ҳатто бир-бирлариникидан келган хатларни ҳам ўқирдилар. Хат келишини интиқлик билан кутардилар. Мўмин аканинг онаси бир хатида: «Ўғлим, бутун инсоният тарихи мобайнида ҳамма яхшилар - пайғамбарлар, солиҳлар балоларга учраганлар, ҳақ йўлида азият чекканлар. Иншоаллоҳ, сен ҳам ўшалар сафига қўшилдинг», деб ёзган эди. Рашид шу мазмундаги хатларнинг мафтуни эди. Қанийди, уни ҳам оиласи, ота-онаси Мўмин аканинг онасидек тушунишса! Бир куни Мўмин ака ўзи ёзган хатни унга берди. Хатда шундай сатрлар ҳам бор эди: «Онажон, шундай она-болалар борки, бирга яшайдилар, аммо қарашлари, тушунчалари турлича. Азизам, шундай эр-хотинлар борки, бирга яшайдилар, бироқ орзулари, армонлари турлича. Бундайлар руҳий айрилиқда яшайдилар. Энди руҳий айрилиқни фожиа сифатида, кўргилик сифатида улкан тоғ деб фараз қиладиган бўлсак, унинг қаршисида жисмоний айрилиқ бир зарра, холос. Тоғдек бахтни берган Худойим синов учун заррадек кўргуликни ҳам берган экан, бунга мингдан-миг розимиз, албатта». Шу хатни ўқиганидан кейин Рашид тинчини йўқотди. Гўё бутун вужуди дуога айланди. «Эй Раббим, мазлумнинг дуоси мустажоб, дейсан, мана мен мазлумман, мусофирнинг дуоси мустажоб, дейсан, мана мен мусофирман, толиби илмнинг дуоси мустажоб, дейсан, мана мен толиби илмман, шундай экан, менга ҳам ўша хатда битилган тоғдек бахтни ато эт...».

Рашиднинг дуоси мустажоб бўлди.

Бир неча кундан кейин уни учрашувга чақиришди. Ҳар галгидек ярим гашлик, ярим қувонч билан учрашув хонасига йўл олди. Шу пайт гўё мўъжиза юз бергандек бўлди. Не кўз билан кўрсинки, хотини ҳижобда эди. Қувончдан портлаб кетай деди. Гўё сахро гулзорга, вайрона қошонага, аза тўйга, марсия мадҳияга айланди. Жисмоний яқинлик аталмиш заррадек бахтдан қанчалар энтикувчи қалбнинг бирдан руҳий яқинлик исмли тоғдек саодатга муяссар бўлиб қолса, не аҳволга тушиб

қолишини ўқувчимнинг ўзи тасаввур қилиб олаверсин. Дилором худди муриднинг пири билан саломлашишидек Рашид билан кўришар экан, синиқ ва титроқ овозда: «Мени кечиринг. Катта хатога йўл қўйибман. Сиз ҳақ экансиз. Сизга ҳидоят берган Эгам менга ҳам берди. Раббимга беадад ҳамдларим бўлсин», деди..

Куфр Исломга қарши тазйиқини кучайтиргандан кучайтириб борарди. Маҳқумлар ўз-ўзидан икки гуруҳга бўлиниб қолгандилар. 159лар ва бошқалар. Диним деб, иймоним деб қамалганлар 159лар дейиларди. Негаки, уларга Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексининг 159-моддаси ёпиштирилганди. Деярли ҳар бир муассаса ходими дуч келган 159ни хоҳлаганча азоблаши, хоҳлаганча таҳқирлаши мумкин эди. 159ларнинг ўзлари ҳам икки гуруҳга - «ашаддийлар» ва «йўлга солиниши мумкинлар»га бўлинардилар. Йўлимдан ҳеч қачон қайтмайман, деб қаттиқ турувчилар «ашаддийлар», тил учида ёки чин дилдан бўлишидан қатъий назар, қайтдим, деювчилар «йўлга солинганлар» ҳисобланардилар. «Ашаддийлар» асосан ҳизбийлардан иборат эди. Ҳизбийларнинг «ашаддийлар»и билан «йўлга солинганлар»и ўртасида мунозаралар бўлиб ўтди:

- То шаҳодатгача қайтмаймиз, қаттиқ турамыз, - деди «ашаддийлар».
- Тил учида тавба қилган бўлиб, ташқарида ишимизни давом эттиришимиз мумкин, - деди «йўлга солинганлар».
- Йўқ, у ҳолда душманга ён босган бўламиз, - деди «ашаддийлар».
- Шундай қилиш шаръан жоиз, - деди «йўлга солинганлар».
- Бирок, душман бу ишдан фойдаланиб, мана ҳизбийлар йўлларида ўз ихтиёри билан қайтгати, деган ифво уюштириб, оммани чалғитмоқчи бўляпти, - деди «ашаддийлар».

وَمَكْرُؤًا وَّمَكْرَ اللَّهِ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَاكِرِينَ

- „*(Яҳудийлар) макр қилдилар. Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ «маккорроқдир»*“, [3:54]  
деди «йўлга солинганлар».

Ва ниҳоят, қаттиқ турувчиларга Аллоҳдан сабр-матонат тилаймиз, шариат руҳсат берган ишни банданинг тақиқлашга ҳаққи йўқлиги эътибори билан кечирим сўраганларни маломат қилмаймиз, деган хулосага келишди.

«Йўлга солинганлар»га нисбатан тазйиқ қанчалик камайган бўлса, «ашаддийлар»га нисбатан ўшанчалик ортди. Гўё уларнинг тазйиқдан оладиган улушлари ҳам «ашаддийлар»нинг гарданига юклатилди.

Рашид «ашаддийлар»дан эди. Агар унга қилинган тазйиқлар ўрганиб чиқилса, одам танаси темирдан пухта экан, деган хулосага келинади. Намоз учун беш дубинка, рўза учун ҳам беш дубинка уриларди. Тўнғиздек роса кучга тўлган нусханинг бор кучи билан бел аралаш

думбага дубинка билан уришини тасаввур қилинг. Бу зарбадан кейин бир ҳафтагача белни кўтариб бўлмайди. Намоз эса ҳар куни беш маҳал. Рашид еган дубинкаларнинг сон-саноғи йўқ. «Сенлар қарғишга учраганларсан, ота-оналаринг ҳам сенлардан безор», «Сен ўлиб кетасан, хотинингга эса бир тезкор ходим уйланади, болаларинг сени ҳатто эслашмайди, эслашса ҳам ёмон одам, деб эслашади», «Хотинингни, фарзандларингни бировларнинг қўлига қаратиб қўйиб, ўзингни эркак ҳисоблаясанми?», каби эговлашлар деярли ҳар куни бўлиб турарди. Хожатхоналарни тозалатиш каби таҳқирлардан ҳам бебаҳра қолмасди.

Рашид азобланишни ҳам, эговланишни ҳам, таҳқирланишни ҳам худди шундай бўлиши зарурдек табиий қабул қиларди. Бирон биродарининг оғринаётганини кўрса, булардан шундан бошқасини кутманг, нажасдан хушбўй ҳид кутиб бўлмайди, дерди. Айниқса Дилоромнинг хидоятланганини кўрганидан кейин тазйиқларга нисбатан яна ҳам бепарво бўлиб қолди. Гўё унинг икки - рухий ва жисмоний даромад манбаи бўлиб, биридан - рухийдан миллиард-миллиард олтин фойда олса, иккинчисидан - жисмонийдан арзимас чақаларга эришарди. Миллиардлаб даромад олаётган одам арзимас чақаларни ютқазаётганига эътибор бермаганидек, у ҳам рухий лаззатга ғарқ бўлиб, жисмоний оғриқни унутганди.

Ривоятларга кўра, охирзамонда Дажжол чиқиб, ким менга иймон келтирса, уни жаннатимга соламан, ким Худога ишонса, уни дўзахимга соламан, деркан. Зонадаги ҳолат худди шу Дажжолнинг ўзи эди. Худога ишонган, Исломдан гапирган, намоз ўқиган, рўза тутганлар аёвсиз азобланар, хоин, ёлғончи, олчокларнинг эса тинчи бузилмасди. Азоблар даражама-даража юқорига кўтарилиб бораверарди. Дастлаб таъсир учун беш-ўн дубинка уриш, кейин 5-10 кунга изоляторга ёпиш - ШИЗО<sup>6</sup>. Бу ҳам натижа бермаса, БУР.<sup>7</sup> Охири босқич - раскрутка.<sup>8</sup> Раскруткага учраган маҳкумлар ашаддий жиноятчилар ҳисобланиб, ҳамма имтиёзлардан маҳрум бўладилар.

Рашид Худога қаттиқ ишонгани учун Дажжолнинг назаридан қолганди. Шунинг учун ҳам тинимсиз эговланар, таҳқирланар, азобланар эди. Дубинкалар иш бермагач, уни изоляторга ёпишди. Юпун кийимда совуқ, тор хонага кириб борган Рашид ибн Таймийанинг: «Булар ўзи мени нима қилмоқчи бўляптилар? Қамасалар, қамалишим Аллоҳ билан ёлғиз қолишимдир. Сургун қилсалар, сургунда бўлишим саёҳатимдир, ўлдирсалар, ўлимим шаҳодатимдир (шаҳид бўлишимдир). Ахир менинг қалбимда Аллоҳимнинг Китобию, Пайғамбаримнинг суннати турибди-

---

<sup>6</sup> ШИЗО (штрафной изолятор) юпун кийим билан совуқ хонага қамаш.

<sup>7</sup> БУР, яъни узок муддатга - бир ойдан олти ойгача изоляторга ёпиш.

<sup>8</sup> Қайта жиноий иш очиб, озодликдан маҳрумлик муддатини чўзиш.

ку», деган гапларини эслади. Хона совуқ бўлгани учун деярли ухлаб бўлмасди. Эндигина кўзи уйкуга кетса, тишларининг тақирлашидан уйғониб кетарди. Ўрнидан туриб, ҳаракат қилар, бироз қизигач, яна уйкуга ётар, кейин яна ўшандай совуқдан тишлари тақирлай бошларди. Бу ҳолат уни Раббисига янада пухтароқ боғларди. Рашид Парвардигори олам билан ёлғиз қолиш лаззатини ҳеч қачон бу қадар ҳис қилмаганди. Гўё юраги «Аллоҳ-Аллоҳ», деб урарди, нафаслари «Аллоҳ-Аллоҳ», деб кириб чиқарди..

ШИЗО иш бермагач, Рашидни БУРГа ёпишди. Унинг ҳам фойдаси бўлмагач, раскрутка қилиб, «Жаслик»ка жўнатиб юборишди. «Борса-келмас» лақабини олган «Жаслик» зонаси гўё инсон жисмини азоблаш бўйича тажриба ўтказиладиган лаборатория, қисқа қилиб айтганда, Дажжол дўзахининг энг туби эди.

Гоҳида азоблар Рашиднинг жонидан ўтиб кетарди. Шундай пайтларда бир йўлини қилиб, бирор золимни ўлдириш, ортидан ўзи ҳам ўлиб кетавериш хусусида ўйлаб қоларди. Йўл бу эмаслигини, ҳар қандай шароитда ҳам сабр қилиш лозимлигини билгани учун ўзини тиярди. Тинимсиз:

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ

– „Парвардигоро, бизни ҳидоят қилганингдан кейин - энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Ўз хузурунгдан раҳмат ато эт!“; [3:8]

дуосини такрорларди.

Кишига тортаётган азоблари бежиз кетмаслигини - ухровий фойдани англаш қанчалик таскин берса, самарасини шу дунёнинг ўзида кўриш - дунёвий фойдага эришиш ҳам ўшанчалик таскин бераркан. Рашид Расулнинг, Аллоҳ Ўз динини золимнинг қўли билан ҳам ривожлантиради, деган маънода бир ҳадис айтиб берганини эслади. Бу гапнинг тасдиғини воқеда кўриш Рашид тортаётган азобларнинг дунёвий самараси сифатида намоён бўлди. Гап шундаки, унинг қамалиши, азобланиши, таҳқирланиши ота-онаси, хотини, дўстлари, қариндошлари олдида мавжуд жамиятнинг асл башараси очилишига, зулм, адолатсизлик, тубанлик, разиллик ботқоғига ботиб қолганини кўрсатишга ва алал-оқибат кўпгина яқинларининг ҳақиқатни англаб, дин билан динсизликни ажратиб, ҳидоят топишига олиб борди. Шунинг учун ҳам Рашид ухровийни-ку қўйиб турайлик, ҳатто дунёвий фойданинг ҳисоб-китобини қилганда ҳам ўлиб кетишдан ташвишланмасди. Аксинча, ўлими ҳидоятланувчилар сонини ошириши мумкинлигини ўйлаб, дил-дишдан унга талпинарди. «Сен туфайли биргина одамнинг ҳидоятланиши, дунёю ундаги бор нарсалардан яхшироқдир». Ё

Расулulloх, сўзларингиз бунчалар оромбахш, бунчалар сурурбахш! Рашид ўзининг ҳам илк бора ҳидоятга талпиниб, менга ҳам ўргат, деган пайтида Расулнинг кўзлари пориллаб кетганини эслади. Унинг ҳаққига узок дуо қилди.

Андижонда ноҳақ камалган фарзандлари, ака-укаларининг озод қилинишини талаб қилиб, аёллар намоийишга чиқишган экан, ИИВ ва МХХ ходимлари уларга нисбатан ўта тубан ва ёвузона муносабатда бўлишибди, ҳатто айрим аёлларнинг номусларига тажовуз қилишибди, деган хабар зонани ларзага келтирди.

- Пичоқ келиб суякка қадалди. Ҳеч бўлмаса биттасини ўлдирмасам, кўнглим ўрнига тушмайди, - деди бир ҳизбий бола. Гапираётганида тиграб-қақшаб кетди. Ранги ҳам бўзариб кетганди.

- Сабр қилишимиз керак, - деди Рашид.

- Сабр?! Шундан кейин ҳам-а?!

- Ҳа, шундан кейин ҳам. То жисмоний куч ишлатиш фурсати келгунича сабр қилиш шарт.

- Мен учун ўша фурсат келиб бўлди. Минг афсуски, озодликда эмасман. Озодликда бўлганимда ўша ифлосни топиб, ўлдирмагунимча тинчимасдим. Ҳечкиси йўқ, ўша ифлоснинг ўрнига шу ердаги ифлослардан бирини ўлдириб кўя қоламан. Нахотки, ташқарида ўша ифлосни ўлдириб келадиган ҳамиятли эркак қолмаган бўлса?!

- Қизишманг, биродар. Бир муслима синглингиз ёки опангиз учун номус ўтида қовурилаётганингизни тўғри тушуниб турибман. Ўзимнинг ҳам ичим эзилиб кетяпти. Лекин, модомики биз Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг йўлидан борамиз, деб даъво қилар эканмиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам шу даъвоимизга содиқ қолишимиз керак. Энди тарихга бир назар ташлайлик. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.ни бўғиб олишганида, устларидан ахлатларни ташлаб юборишганида, азоблашганида, таҳқирлашганида қасос олиними?

- ...

- Худо хоҳласа, қасос олиш онларига ҳам оз қолди. Лекин бу билан ҳозирча индамай қўл қовуштириб ўтираверишимиз керак, демоқчи эмасман. Негаки бундай саодатли дамлар ўзи келмайди, уларнинг олдига борилади. Менда бир фикр туғилиб қолди.

- Қандай фикр экан?

Бу савол бир неча ҳизбийларнинг оғзидан бирданга чиқди. Атрофдагиларнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

- Пайғамбаримиз с.а.в., жиҳоднинг энг афзали золим раҳбарнинг олдида айтилган ҳақ гапдир, деганлар. Биз ҳам шу жиҳодни қилайлик.

- Хўш?

- Шу масала бўйича МХХ раиси Иноятов билан ЖИЭМлар (жазони ижро этиш муассасалари) бошлиғи Қодировнинг келишини қаттиқ талаб қилайлик. Келишгач, уларга аёлларга тажовуз қилинмаслиги ҳақида талаб қўяйлик.

- Шундай қилсак, самараси бўлармикан? - деб савол берди яна бир биродар.

- У ёғи Худодан.

- Тўғрику-я, лекин шу ишимизни шаръан ва ақлан мулоҳаза қилиб кўрсак, дегандим. Аввало, жиҳод қурбонсиз бўлмайди. Табиийки, бундай талаблар уларнинг газабини қўзғаб, бизни синдиришга ҳаракат қилишади. Бекорга нобуд бўлиб кетмасмиканмиз, демоқчийдим.

- Жони ширинлар аралашмай кўя қолишсин, - деб пичинг отди ҳалиги қизиққон бола.

- Қизишманг, биродар. Худо хоҳласа, мен ҳам шу йўлга жонини тикканларнинг бириман. Фақат жон тикиш учун энг муносиб ишмикан деяётувдим, холос.

- Мен учун муносиб. «Ким шаъни йўлида ўлса, шаҳиддир», деган ҳадис бор.

- Менимча ҳам муносиб, - деди Рашид. - Биз фақат бир ҳадисга амал қиламиз, холос. Ундаги мазмун шуки, золим раҳбарнинг олдида айгилагидан гап фақат ҳақ гап бўлса кифоя. Агар гапнинг ҳақлигига номус устида бораётгани ҳам қўшилса, «муносиблик» сифати яна ҳам ортади.

- Гапингиздан тўла қаноат ҳосил қилдим. Ноўрин мулоҳаза билдирганимдан хижолатдаман.

- Асло хижолат бўлманг. Дилни қаноатлантириб олиш учун ўртага мулоҳаза ташлаш айб эмас, ўзининг нотўғри мулоҳазасини саркашлик билан тиқиштиравериш айб...

Рашиднинг уйқуси қочди. Институтни тугатганидан уч-тўрт йил ўтиб, бир курсдошининг ўз хотини хўжайини билан дон олишиб юрганини билганидан кейин ҳам ишдан ҳайдалишдан кўрқиб, индамаганини эшитганди. Бу ерда эса етти ёт бегона муслиманинг номусини ҳимоя қиламан деб, не-не йигитлар жон беришга тайёр туришибди. (Иймоний ришта қариндошчилик риштасидан кўра пухтароқлигини эслаб, «етти ёт бегона» деган сўз ҳаёлидан ўтганидан ўнғайсизланди). Динсизлик ҳамиятни сусайтириб, дин эса кучайтириб бориши ҳақида ўйлар экан, ўзини ҳамиятсизлар олаmidан ҳамиятлилар оламига ўтказиб қўйгани учун Яратганга ҳамду сано айтди. Кейин ўзи учун ҳам, биродарлари учун ҳам ҳамият аталмиш бу бебаҳо неъматни сақлаб қолиш йўлидаги курашда Парвардигоридан сабот, матонат сўради...

«Жаслик» бошлиғи Кулумбетов орқали талабнома ёзиб, МХХ раҳбари Иноятов билан ИИВнинг жазони ижро этиш бўйича ўринбосари Р.Қодировларни чақиртиришди. Талабномада бир неча бандлар бўлиб, асосийси номус масаласи эди. Юқоридаги масъул шахслар 15 октябргача етиб келсинлар, деган шарт ҳам кўйилганди. Шарт муддати тугашига бир кун қолганда, яъни 14 октябр куни Қодиров етиб келди. Кулумбетов билан бирга қамоқхона биносига яқинлашиб келар экан, «Ҳозир кириб гаплашаман. Гапирганни сен олиб чиқиб, карцерга ёпасан», деди. Бу гапни бир неча биродарлар ўз қулоқлари билан эшитишди ҳам.

Бир вақтлар, Андроповнинг замонида, ишга бир минут кеч қолган одамнинг бўйнига бир минутда фалонча машина, фалонча қурол ишлаб чиқарилишини биласанми, деб дунё-дунё айбларни илиб кўярдилар. Рашидни ИИВнинг подвалига олиб кирганларида ҳам дунёда юз бераётган қанча кўпурувчиликлар бўлса, гўё ҳаммасида унинг иштироки бордек муомала қилишганди. Бекордан-бекорга - фақат журъатини синдириш учун майиб-мажруҳ қилиш даражасида дўппослагандилар. Бу куфрга хос услуб эди. Қодиров ҳам ўз услубига содиқ қолиб, биринчи туркумга<sup>9</sup> қира солиб биродарларни бекордан-бекорга уриб, дўппослаб, етти нафарини карцерга ёптирди. Иккинчи туркумга кириб, ҳар бир бригададаги биродарлардан алоҳида нима муаммоларинг бор, деб сўраганида, улар, ҳаммамизни бир жойга ййғиб, талабларимизни эшитасиз, бу жамой масала, битта-битта ҳал бўлмайди, деб жавоб беришди. Ўзидан юқорига малайларча бўйсунадиган одам ўзидан қуйидагиларнинг ўзига малайларча бўйсунганини талаб қилиши табиий. Куфр низомига кўра, маҳкум бригадирга, бригадир завхозга, завхоз туркум бошлиғига, туркум бошлиғи муассаса бошлиғига (ҳали ўртада тартибот бўлими бошлиғи, тезкор бўлими бошлиғи, муовинлар кабилар ҳам бор), муассаса бошлиғи эса аллақандай ўринбосарлару муовинлардан ўтиб, Қодировга бўйсунди. Демак, Қодировнинг дунёқарашиди маҳкум - унинг энг қуйи малайи. Ҳатто ёнидаги муовинлари унинг олдида қуллук қилиб туришларига, уларни хоҳлаганича ҳақоратлашга ўрганиб қолган Қодиров маҳкумдан содир бўлаётган «бу одобсизликка» тоқат қилолмади. Чаён чакқандек талвасага тушиб, оғзига келгани билан ҳақорат қила бошлади, бир неча биродарларни карцерга қамашга буюрди. Азобланаётган биродар, «Аллоху акбар», деб такбир айтди. Бу билан ўзининг хожаси - Аллохнинг ғолиблигини, Қодировнинг хожаси - шайтоннинг эса мағлублигини ифодалади. Бошқа биродарлар ҳам унинг

---

<sup>9</sup> Зона бир неча туркумларга, туркумлар эса бригадаларга бўлинади. Ҳар бир туркумнинг офицер бошлиғи ва маҳкум завхози бўлади. Ҳар бир бригаданинг бригадири бўлиб, завхозга бўйсундилар.



такбрига жўр бўлишди. Жазавага минган золим: «Бакираверларинг, эрталабгача бақирларинг. Бақирганларинг билан ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳозир войска олиб кираман. Ҳаммаларинг эмаклаб юрасанлар. Сенларнинг касрингга бошқа маҳқумлар ҳам майиб бўлишади», деди. Войсканинг кириши ҳамманинг бир чеккадан аёвсиз калтакланиши, кимларнингдир калтак остида ўлиб кетиши, кимларнингдир бир умрга ногирон бўлиб қолиши дегани эди. «Сенларнинг касрингга бошқалар ҳам майиб бўлади». Куфрнинг - адолатсизликнинг энг кўзга кўринган услубларидан бири. Бир маҳқумнинг «одобсизлиги» туфайли ҳамма маҳқумларни тенг жазолайдилар. Нодон маҳқумлар золимларни эмас, ўзларининг шерикларини айбдор қиладилар. Сен шундай қилмаганинга бизлар бундай балога қолмас эдик, деб унга ёпишадилар... Бир зумда ҳамма ёкни қалқон ва дубинкалар билан ҳимояланган спецназ ўраб олди. Қодиров гўё бу махлуклар одамлар эмас, қопоғон итлардек: «Бос, деб буюрсам, босишади», деди. Улар ҳам ўзларининг иглигини тан олгандек, жимгина туришарди. Биродарлар бу гапга жавобан: «Биз динимиз ва номусимиз йўлида курашиш учун шахидликка тайёрмиз, қўлингдан келганини қил», дейишди. Бу жавоб Қодировни довдиратиб қўйди. Ҳизбийларнинг қайтмаслиги ҳақида кўп гаплар эшитганди-ю, бу даражада деб ўйламаганди. 33-бригададаги шахрихонлик Неъматов Сиддиқ, биз сиздан барчамизни бир жойга йиғиб, муаммоларимизни ҳал қилиб беришингизни талаб қиламиз, деганида ўзини қўярга жой тополмай, мана буни олиб чиқиб, изоляторга ёшларинг, деб бақирди, тўғрироғи чинқирди. Айниқса, маҳқумнинг, талаб қиламиз, дегани унга қаттиқ таъсир қилди. Талаб қилиш нималигини билмайдиган малайларга раҳбарлик қилиб юрган малай раҳбарнинг малайлар оламидагина эркин нафас олиши мумкинлиги, хурлар оламига ўтиб қолса, нафас ололмай бўғилиши ўз кучини кўрсатган эди. Хурлар оламини малайлар оламига айлангиролмаётганидан жазғанаги чиқарди. Ваҳшиёна азоб сари олиб борилаётган Сиддиқ аканинг бироз ҳайқиш ўрнига мен барибир ғолибман дегандек такбир айтиши, қолганларнинг ҳам бизни ҳам қўшиб азобла дегандек такбирга жўр бўлишлари аслида золим ичида ёнаётган жаҳолат ўтига мой куйиши керак эди. Лекин малайлар оламида яшаб ўрганиб қолган Қодиров қандай қилиб бўлмасин, тезроқ ўз оламига ўтиб олишни ўйлаб қолди. Чунки у хурлар оламида бўғилиб, ўлиб қолаётганди. Шунинг учун найранг йўлига ўтиб, бироз шаштидан тушган бўлди-да, Сиддиқ акани урмасликни буюриб:

- Нима муаммоинг бор, гапир, - деди.

- Ҳаммамизни бир жойга йиғиб, муаммоимизни эшитишингизни талаб қиламиз.

- Талабингга фалоним (ўша нарсанинг ўз номини айтиб сўкинди). Сенларнинг талаб қилишга ҳақларинг йўқ.

- Катта кетманг. Ҳали бу гапингиз учун умматнинг олдида ҳам, Аллоҳнинг олдида ҳам жавоб берасиз.

- Сенларга кунига 6000 сўм (6\$) ажратиб боқяпман, кўчада одамлар қозонини қайнатолмаяпти.

- Ризқимизни Аллоҳ беряпти.

- Мен беряпман!

- Бу гапингиз билан кофир бўлдингиз. Яна мусулмонман, деб даъво қиласиз. Вазирнинг муовини бўла туриб, иштонингизнинг ичидаги нарсани оғзингизга оласиз.

- Ҳа, энди, биз сўкиниб гапиришга ўрганиб қолганмиз. Мана буларни ҳам сўкаман, - деб атрофдагиларга ишора қилди. Улар ҳам кулларча тасдиқ ишорасини қилишди. - Нима қилай, сенларга ўхшаб диний (ахлоқий демокчи) гапларни билмасам. Мен ҳам мусулмонман. Яқинда янгилик бўлади, ҳаммаларинг чиқиб кетасанлар, 500га яқин қайтмайман деганларинг коласанлар, холос. Ўшанда шахид кетаверасанлар.

Ўзининг гапидан ўзи кайф қилиб, тантанавор жилмайди. Кейин Сиддиқ акага ишора қилиб, «Жаслик» бошлиғига:

- Мана буни С-9, Нукус турмасига (яхуд жаллодхоналаридан бири) юбор. Ўша ерда бироз дам олсин, кейин Сангородга жўнат, - деди.

Бу ҳам куфрнинг жазолаш услубларидан бири. Олдинига ўзлари ўласи қилиб дўппослайдилар, орқасидан майиб-мажруҳ одамни мазахлагандек даволанишга юборадилар. МХХнинг подвалида бу ҳолат ҳар куни такрорланиб туради. Аввал қандайдир Худобехабар азоблайди, ортидан ундан бадтарроқ бир нухса келиб, соғликни суриштириб, хол-аҳвол сўрайди. Ўзларича тан жароҳати билан руҳ жароҳатини омухталаштирмоқчи бўладилар. Раббисини танимайдиганлар бу ҳолатдан руҳан озорланишлари мумкин. Аммо куфрнинг моҳиятидан хабардор мусулмонларнинг эса жисмоний азоблар ортида улкан-улкан савоблар борлигига иймон келтирганлари боис руҳлари озорланмайди, аксинча, лаззатланади. Фақат жисмоний оғриққа чидолмай, гапирилмаслиги керак бўлган гапларни гапириб қўйганлари учунгина руҳан қийналадилар. Хуллас, мусулмон руҳи фақат ўзи қилган гуноҳдан озорланади, холос. Рашид 159ларни кузатар экан, улар учун душмanning азоблаши эмас, шу азоб туфайли заифлик қилиб қўйиш хатарлироқ эканига кўп бора амин бўлди. Ўзининг азобланишидан эмас, ўзи туфайли бошқаларнинг азобланишидан хавфсирайдиган жамоага қўшилгани учун Аллоҳга ҳамдлар айтди.

Биродарлардан бири:

- Бизни кўрқита олмайсанлар, биз Раббимиз йўлида шаҳодатни бўйнимизга олганмиз, - деди. Қодировнинг фиғони фалакка чиқди.

- Буларнинг ҳаммасини олиб чиқиб, изоляторга ёшларинг!

Барзангидек «ўргатилган итлар» камераларга кириб, ҳаммани судрай бошлади. Биродарлар такбир айта бошладилар. Бундан иш чиқмаслигига кўзи етган Қодиров:

- Бўлди, тегмаларинг, - деди. Кейин ҳаммага мурожаат қилди:

- Ўтирларинг, муаммоларингни шу ерда гаплашамиз.

- Бизни бир жойга тўплашингизни талаб қиламиз.

- Талабларингга фалоним. Мен сенларнинг талаб қилганларинг учун келганим йўқ. Ўзимнинг айрим ишларим бор эди, ўшалар юзасидан келдим. Мен вазирнинг муовини бўламан. Сенларнинг талаб қилишга ҳақларинг йўқ, фақат илтимос қилишларинг мумкин, холос.

Абдурахмонов Адҳам ўрнидан турди.

- Нега бизни эшитиш ўрнига бундай кўполлик қилиясиз, ахир сиз раҳбарсиз-ку?

- Гапир, нима муаммоинг бор?

- Бизнинг шахсий муаммоимиз йўқ. Биз шахсий манфаатларимизни ўйлаб қамалган эмасмиз. Сизга айтмоқчи бўлганимиз ҳам ўзимизнинг эмас, умматнинг муаммоси.

- Хей зумраша, мен вазирнинг муовини бўламан, одамлар олдимга кириш учун ҳафталаб навбат кутишади. Ўз оёғим билан олдиларингга келиб, нима муаммоларинг бор, деб турибман-ку. Сенларга яна нима керак? Гапирларинг, чиқиб кетишларингга ёрдам берайми? Уйингга яқин жойга юборайми? Бу ердаги шароитлар қанақа? Шулардан гапирмайсанларми?

- Айтяпмиз-ку сизга шахсий муаммоимиз йўқ, деб.

- Қанақа муаммоларинг бор бўлмаса?

- МХХ ва ИИБ ходимлари томонидан аёлларимизга нисбатан номусларига тажовуз қилиш жиноятлари содир этиляпти.

- Андижондагими? Эшитдим. Бир аёлнинг номусига тажовуз қилинибди. Бу иш текширилди ва иштирок этганлар жавобгарликка тортилди. Сенлар ҳам ҳали такбир айтганларинг учун жавоб берасанлар. 1999 ва 2000 йилдаги ҳолни қайтараман. Мана бу («Жаслик» бошлиғи)ни олиб ташлайман, бошқасини қўяман, сенларни эмакляб юрадиган қилиб қўяди.

- Аллоҳ кифоя қилгувчи зот.

- Нега тушунмайсанлар, ахир сенларнинг бу ишларинг учун мана бу («Жаслик» бошлиғи) ҳам, ҳатто мен ҳам жавобгарликка тортилишим мумкин. Мен ҳам кичкина одамман, сенлар айтаётган муаммони ҳал қилолмайман...

Рашиднинг уйқуси қочди. У Ислом раҳбариятининг вакили билан куфр раҳбариятининг вакили ўртасидаги фарқ ҳақида ўйлади. «Қодисия» жангидаги оддий бир жангчининг урушни уч кунга тўхтатиб тура олишини эшитганида, Форс лашкарбошиси Рустам ҳайратдан ёқа ушлаганди. Бу ерда эса бир ўзбек аёлининг номусига тажовуз қилинганини вазир ўринбосари ҳал қилолмаётти. Бу иш ҳам ачинарли ва ҳам қулгили ҳолат эди. Ажабо, аслида ифбатлар топталишининг олдини олиш уларнинг вазифаси эмасми? Рашид хаёлан ҳезалакликни даражаларга ажратди: Бир аёлнинг ифбатига тажовуз қилинаётганини кўра била туриб индамай кетиш - қуйи даража. Бу ишнинг олдини олиш учун ҳаракат қилаётган кишига ёрдам бермаслик - ўрта даража. Шу жирканч жинойтнинг тарафини олиш, унга ён босиш - олий даража. О, Тангрим, ҳуқуқ ҳимоячилари олий даражали ҳезалаклар бўлмиш халқимга ўзинг раҳм қил! Уни ҳамиятсиз, кўғирчоқ раҳбарчалардан ҳалос эт! Ичида нафрат ва бурч олови аланга олаётган Рашид тун алламаҳалга боргандагина ухлашга муваффақ бўлди. Тушида ҳам Қодировнинг жизғанаги чиқаётган эмиш. Рашид унинг ёнига бориб:

- Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? - деб сўраганмиш.

- Сўра! - деб хўмрайганмиш Қодиров.

- Хотинингиз ёки қизингизнинг номусига тажовуз қилинса ҳам, бу ишга уни ким бажарганига қараб баҳо берасизми? - деганмиш Рашид.

Қодиров тутоқиб кетганмиш. Урмоқчи бўлиб ҳезланармиш-у, нимагадир тўхтаб қолармиш.

- Сен билан ҳали алоҳида гаплашаман, - деб, сўз оҳангига ғазаб, таҳдид тўнини кийдирмоқчи бўлармиш-у, аммо эпюлолмасмиш. Аянчлилик, бечоралик, чинқирикқа ўхшаш бошқа бир оҳанг чиқиб кетармиш.

Шу пайт қаердандир Расул пайдо бўлиб:

- Қойил, дўстим, зарбанг тўппа-тўғри нишонга тегди, Қодиров ҳақиқатда ҳам мазкур ишга одамига қараб баҳо берувчилар тоифасидан, - деганмиш. Қодиров нокаутга учраган боксчидек мувозанатини йўқотиб, каловланиб, сўз оҳангини бошқаролмай қолганмиш. Кўпакларига Рашидни кўрсатиб, нималарнидир тайинлаганмиш...

Рухий мағлубиятга чидолмаган Қодиров қасос олиш учун ўзидан-да золироқ, Ўзбекистон зоналарида «ломкачи» (синдирувчи, эгдирувчи) лақабини олган Абдукарим Шодиевни юборди. Бу золим 19 октябр соат 10<sup>00</sup>да спиртли ва ... ичимликлар ичирилиб, ваҳшийлаштирилган ҳарбийлардан катта доира ясаб, номуси йўлида тили билан курашган йигитларни битта-биттадан олиб чиқиб азоблади. Дўлдек таёқ зарбалари остидаги мусулмонлар овозларининг борича такбир айтишганида уларнинг оғизларини йиртишга буюрди. Унинг кўз ўнгида оғизлар

йиртилди. Кўпгина йигитлар майиб-мажруҳ қилинди. Андижонлик Иброҳим акани қарцер йўлидаги «жонли девор»дан ўтказишди (йўлнинг икки тарафида ўттиз-қирқ нафар таёқ ушлаган ҳарбийлар туради. Ўртадан маҳкум юриб боради. Ҳар бир ҳарбий қўлидаги таёқ билан уни аёвсиз қалтаклайди). Қодировнинг олдида қўлини кўтариб гапиргани учун уни синдиришди. Биродар ҳушидан кетди. 26-кун қўлини тахтакачлаган ҳолда Нукуснинг С-9 турмасига олиб кетишди. Шу вақтга қадар у туз ҳам тотгани йўқ. Ҳушини йўқотган Рашид ҳам қарцерга улоқтирилганди...

## Якун

«Аллоҳ йўлида озорланмоқ неъматдир. Неъматки, унинг мазасини татиб кўрган одамгина била олади». Рашид шундай гап хаёлига келганидан қанчалик хузурланса, унинг мазмунидан ҳам ўшанчалик ором олди. Таҳорат қилиб, шукрона намозини ўқимоқчи бўлди, ўрнидан туришга уринди. Оғриқнинг зўридан кўзғалишнинг иложи йўқ эди. ИИВнинг подвалида ҳам, зоналарда ҳам ҳар доим дўшпосланганидан кейин шундай бўларди. Ўтирибми, турибми, ётибми, хуллас, маълум бир ҳолатда ҳаракатсиз узоқроқ қолиб кетса, бошқа ҳолатга ўтиш ўта оғриқли кечарди. Бир амаллаб ўрнидан турди. Аслида, тиббий нуқтаи назардан унинг туриши мумкин эмасди. Аммо руҳий кўтаринкилик таъсирида гоҳида жисмоний мўъжизалар рўй бераркан. Таҳорат олиб, намоз бошлади. У ва Яратувчи! Яратувчи ва у! Нақадар хузур! Нақадар ором! Нақадар лаззат! Пайғамбар с.а.в.нинг намозни хушбўй ҳид ва аёл билан бир қаторга қўйганларини воқеан ҳис қилди. Ҳа, хушбўй ҳид ҳам, аёл висоли ҳам дунё ташвишларини битта ҳам қолдирмасдан миядан суғириб олади. Намознинг дунёвий лаззати ҳам шундай. Миллионларча, миллиардларча - беқиёс даражада арзимас ўткинчи дунёвий лаззатки шундай экан, туганмас, мангу ухровий лаззат қандай бўларкин?! О, Тангрим, бир умрлик узлуксиз қийноқ бир сониялик қудратингдан ҳайратланиш лаззатига арзирмикан?!

Эшик шарақлаб очилди. Ҳиссиз, ўйсиз, руҳан жонсиз одам киёфасидаги икки махлук кириб келиб, Рашидни судраб олиб чиқиб кетишди. Борган жойларида яна ўшаларга ўхшаш бошқа бир неча махлуклар уларни кутиб турарди. Спиртли ва бошқа ичимликлар ичиб ваҳшийлашган бу нусхалар тек ташлаб қўйилганда ҳам бироз муддатдан сўнг жон таслим қилиши мумкин бўлган Рашидни аёвсиз дўшпослай бошладилар. Муштлар, тепкилар, таёқлар ёмғири остидаги Рашид гоҳ хушидан кетар, гоҳ хушига келарди. Улардан бирининг:

- Шу тилинг сени ейди, шундай дўшпослайликки, туққан онанг ҳам танимай қолсин, - дегани қулоғига чалиниб, Расул ўқиб берган тўртлик хаёлидан ўтди:

Кимнингдир орзуси - ўлмоқлик кўркам,  
Майитнинг хуснини қилади хавас,  
Тилка-пора бўлиб нимталансам ҳам  
Раббим, деб, ўлсам бас, қолгани абас!

... ва хушидан кетди. Яна ўша оппоқ либосли мўйсафидлар, уни нима биландир қутлаётган нурли чехралар: «Муборак бўлсин, бўтам, маррага етиб келдинг!»

... Ҳатто шаклда ҳам инсонлик қиёфасини йўқотган ёвузлар жонсиз жасадни дўппослашда давом этардилар...

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿١٥٣﴾ وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتٌ بَلْ أَمْوَاتٌ وَلَكِنْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿١٥٤﴾

– „Эй мўминлар, сабр қилиши ва намоз ўқиши билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир. Ва Аллоҳ йўлида ҳалок бўлган (шаҳид)лар ҳақида: «Булар ўликлар», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар“. [2:153-154]

